

## **ҲИКОЯЧИЛИКДА ШАҲАР ХРОНОТОПНИНГ ПОЭТИК ТАКОМИЛИ**

**Рузматова Ирода Рузматовна ,**

*Абу-Райхон Беруний номидаги Урганч давлат университети хузуридаги  
ихтисослашган мактабда инглиз тили фан ўқитувчиси мустақил тадқиқотчи*

[ruzmatovairoda341@gmail.com](mailto:ruzmatovairoda341@gmail.com)

+998999687929

**Аннотация:** Ушбу мақола У.Ҳамдамнинг ҳикоялари тадқиқига бағишланади. Унда бадиий адабиётда хронотопнинг шаҳар типига хос хусусиятлари Козимжон тимсолида ойдинлашади. Шунингдек, руҳий идрок ва афсус надомат орасида қолган жамият аъзоларининг ўзига хос табиати талқин қилинди.

**Калит сўзлар:** бадиий ғоя, образ, мавжудлик жумбоғи, ҳаёт ҳақиқати, бадиийлик принципи, хронотоп, шаҳар, жамият ва оила муносабати.

Тафаккур қилилинаётган ҳар қандай воқелик замирида бирор мақсад, ижодий концепция тифизлиги мавжуд бўлади. Чунки ижодкор у қайси муҳит, давр, замон ҳвамда макон сувратини акслантиришга киришмасин, оламнинг ўзгармас қонунлари олдида масъулият билан ёндашиши муҳимлигини яхши билади. Эслнг ўзбек адабиётитда ўчмас из қолдирган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор ёки Ойбек каби ёзувчилар бадиий сюжетни шаҳар-қишлоқ, қишлоқ ёки шаҳар орасида кечувчи воқеликни типиклаштириш йўлида беминнат меҳнат қилдилар. Шунга кўра ўзбек ва инглиз ҳикоячилигида қайта ишланаётган поэтик конструкция табиати (хронотоп шакллари) шаҳар ва қишлоқ орасида кечувчи воқелик негизида рўй беришига алоҳида диққат қаратаётганини эътироф этиш жоиз. Француз ёзувчиси Оноре де Бальзакнинг “шоирлар қишлоқда туғилиб Парижда ўладилар” деган ибратли ҳикмати халқ орасида машҳурдир. Шундай экан, инглиз адабиётида ҳам, рус ёки ўзбек бадиий насрининг етакчи тамойилларида ҳам – бадиий хронотопнинг **қишлоқ-шаҳар** типи алоҳида аҳамият касб этишини инобатга олган ҳолда (ўрин-жон) номлари зикр қилинган адиблар талқини тимсолида аниқлаштириш (жанрнинг традицион тақомили) ишончни оқлаши тайин.

Замонавий ўзбек ҳикоячилигида, хусусан, У.Ҳамдамнинг “Узоқдаги Дилнура” ҳикоясида шаҳар ва қишлоқ хронотопи етакчи атрибутлардан бири саналади. Хронотоп сўзма-сўз таржима қилинганда замон, макон деган маънони билдиради. Бадиий асар дунёсида воқеликнинг макон-замон нуқтаи назарида уйғун кечишини таъминлайди. Аммо у шунчаки техник макон-замон эмас. у ёзувчи томонидан жонлантирилган, асарнинг барча компонентлари билан уйғун

ҳаракатга йўналтирилган муҳим, қолипловчи бадиий феномендир. Ҳар қандай мукамаллик даъво қиладиган асарда ҳам хронотоп тизими ноқис бўлса, буни ўқувчи ҳис этади. Мукамал асар сифатида қабул қила олмайди. Қодирий романида эса мана шу тизим мукамал, айти пайтда, ўзига хос тарзда шакллантирилган<sup>1</sup>. Ҳақиқатдан ҳам, “Ўткан кунлар” романидаги ривоя усули бадиий хронотопнинг мукамал ишланган кўриниши сифатида қарийб юз йилдирки, ўз ўқувчиларини мафтун этишда давом этиб келмоқда. Буни тагига теран кириб, ҳар томонлама чуқур тадқиқ қилганимизда масаланинг турлича шаклу шамойиллари, усул ва йўсинлари қалқиб юзага чиқаётгани ҳеч кимга сир эмас, асло!

**Шаҳар хронотопи.** Энди бизнинг олдимизда турган муҳим вазифалардан бири У.Ҳамдамнинг, Сомерсет Моэмнинг бадиий изланишларида кишлоқ ва шаҳар хронотопларига ойдинлик киритиш масаласи турибди. Ёзувчи Улуғбек Ҳамдам “Узоқдаги Дилнура” номли ҳикоясида оилада, яқинлар ва умуман, қариндош-уруғчилик орасида шон-шухрат, бойлик ва сохта обрў эвазига йўқолиб бораётган муҳим муаммолар қаламга олинади. Ҳикоянинг экспозицияси ана шу тугун билан бошланади:

- Ало... Козим ака? Ало!... Бу мен – Нозим...
- Нозимжон?... Яхшимисан, иним?
- Ака... Козимжон ака!...
- Лаббай, ука. Гапирсанг-чи, тинчликми?..
- Нима бўлди?... – хаёли ота-онасининг омонат жонига кетди

Козимжоннинг.

- Юнус тоғам... Тоғамни бериб қўйдик...
- А?!... Нега?... Нима бўлди?..
- Бандачилик, ака.
- Қачон?..
- Мана, ҳозир касалхонадан олиб келишди.
- Нима бўлди ўзи?
- Оёқ... оёқдан кетди, ака.
- Худо раҳмат қилган бўлсин...
- Келасизми?..
- Ҳм... Хўп... – чайналди Козимжон. Лекин кўп-да ҳаялламай сўлгин овозда

деди: – Йўлга тушяпман.

- Ҳозир чиқсангиз улгурасиз, ака...
- Албатта...

<sup>1</sup> Дўракулов У. Назарий поэтика масалалари. –Т: “Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”. 2015. –Б.200.

Козимжон стол устини йиғиштириб, компютерини ўчирди-да, тугмани босиб ёрдамчини чақирди.

– Амаким оламдан ўтибди. Бир-икки кунга қишлоққа кетяпман, – дея хомуш кўзгалди.

– Вой... Худо раҳмат қилган бўлсин, хўжайин... – юзини силади ёрдамчи. Сўнг икки қўли кўксиди – раҳбарни кузатиб чиқди, – ёшлари неччида эди?

Козимжон пешонасини тириштириб жавоб беришга чоғланиб кўрди: “Адашмасам, эллик бешларда эди...”

– Ёш кетибдилар... аттанг.

– Йўқлигимни билдирмай тургин.

– Хўп, хавотир олманг, – пилдираб келиб машина эшигини очди ёрдамчи. – Ўзингиз ҳайдаб кетасизми? Ё ҳайдовчини...

– Ўзим. Чақирма.

– Яхши бориб келинг...

Козимжоннинг “PRADO”си шаҳар ташқарисига чиқиб улгурмай телефони тагин жиринглаб берди”<sup>2</sup>.

Ҳикоя муқаддимасидаги трагик вазият Козимжонни довдиратиб қўйгани рост. Мана шу қисқа эпизодик лавҳа шаҳар ва қишлоқ орасида кечаётган бадий хронотопнинг “хамиртуруши” ҳисобланади. Бадий воқелик ёзувчининг диалогик муносабатида янада аянчли манзаралар ҳали олдинда эканлигидан далолат беради. Юнус тоғасининг қишлоқда кутилмаганда вафот этиши, жияни Козимжонни чуқур изтиробга, ҳув болалик лаҳзаларига, ёшлигининг ўчмас ва қайтиб келмас лаҳзаларига судраб кетади. Бу ўринда хронотоп нафақа сюжетни, балки композицияни ҳам ўзига хос тарзда воқеалантириш модусига уйғунлаштиради. Ёзувчи У.Ҳамдам ҳикояда шу қадар шиддатли ифода тасвирларини келтирадики, ўқувчи ҳам, китобнинг қаҳрамонлари ҳам тезлик билан мақсад-манзил сари умрнинг оқар сувида ҳаракат қиладилар. Бундай диалогик муносабат тифизлашуви инглиз ёзувчиси Сомерсет Моэм ҳикояларида ҳам янада тиниқроқ кўзга ташланади. Айни пайтда инсон концепцияси ҳам ўзининг мавжуд оламида ёрқин рангларда намоён бўлади.

<sup>2</sup> Ҳамдамов У. Узоқдаги Дилнура. Ҳикоя. Манба: [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) сайтидан олинди.